

ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Исомиддинова Мохидил Шавкатовна

*Тошкент Давлат Стоматология
институтини, академик лицейи, Тиллар
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Таълим тизимини ривожланиши, баркамол шахсга таълим - тарбияни тўғри бериб бориш жонкуяр педагоглар қўлидадир. Ҳозирги даврда педагогларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг маҳоратларини янада юксалтириш, шарт-шароитлар яратишга катта аҳамият берилмоқда. Бу эса ўқитувчиларга юксак даражада масъулият юклайди, энг аввало педагог учун дарснинг сифат ва самарадорлигига эришиш муҳим масалага айланмоғи зарур. Калт сузлар: Таълим, баркамол, шахсга, тарбия, маҳорат, юксалтириш, шарт-шароит, ислохотлар.

Аннотация: Развитие системы образования, правильное обучение и воспитание гармонично развитой личности находится в руках преданных своему делу педагогов. В настоящее время большое значение придается профессиональной подготовке педагогов, дальнейшему повышению их мастерства, созданию условий. Это возлагает на учителей высокую степень ответственности, и, прежде всего, достижение качества и эффективности урока должно стать важным вопросом для педагогов. Ключевые слова: Образование, совершенный, личность, воспитание, мастерство, повышение, условия, реформы.

Annotation: The development of the education system, proper teaching, and the upbringing of a well-rounded individual is in the hands of dedicated educators. Currently, great importance is attached to the professional training of teachers, further improving their skills, and creating conditions for them. This places a high degree of responsibility on teachers, and, first of all, achieving the quality and effectiveness of the lesson should become an important issue for teachers. Keywords: Education, perfect, personality, upbringing, mastery, advancement, conditions, reforms.

Кириш

Бугунги кунда таълим тизими жадал ривожланиб, унга қўйилаётган талаблар йил сайин ошиб бормоқда. Айниқса, глобаллашув, ахборот технологияларининг тез суръатлар билан кириб келиши таълим жараёнини янгича ташкил этишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўқитувчининг асосий педагогик эҳтиёжи — таълим олувчиларга билим бериш,

уларни тарбиялаш ва ривожлантириш айнан ўқув машғулоти жараёнида амалга ошади. Демак, ўқув машғулоти тўғри, илмий асосланган ва замонавий талабларга мос ҳолда ташкил этиш педагог фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Замонавий ўқув машғулоти анъанавий дарс тушунчасидан кенгроқ мазмун касб этиб, фақат маълумот бериш билан чекланиб қолмайди. У таълим, тарбия ва ривожлантириш мақсадларини уйғун ҳолда амалга оширишни, ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини талаб қилади. Бу эса педагогдан ижодий ёндашув, юксак касбий маҳорати ва педагогик тафаккурни талаб этади[1].

Ўқув машғулоти ташкил этишнинг педагогик асослари

Ўқув машғулоти — бу ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг белгиланган мақсад асосида ташкил этилган, ўзаро боғлиқ фаолиятidir. Унда ўқитувчи билим берувчи, йўналтирувчи ва ташкил этувчи сифатида қатнашса, таълим олувчи фаол субъект сифатида намоён бўлади.

Ўқув машғулотларининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг назарий, методик ва касбий тайёргарлигига боғлиқ. Ўқитувчи ўз фанини чуқур билиш билан бирга, психология, педагогика, методика соҳаларида ҳам етарли билимга эга бўлиши лозим. Шунингдек, у илмий-услубий адабиётлар, журналлар, электрон манбалар билан мунтазам танишиб бориши талаб этилади[2].

Ўқув машғулотида қўлланиладиган воситалар турли хил бўлиши мумкин. Улар ўқитувчининг ихтисослиги, ижодкорлиги, интеллектуал салоҳияти ҳамда ўрганилаётган мавзунинг мазмунига боғлиқ ҳолда танланади. Бунда ўқув материали мазмунини тўғри таҳлил қилиш ва унинг асосий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқув машғулотида ҳал этиладиган асосий масалалар

Педагогик назарияга кўра, ҳар бир ўқув машғулотида ўқитувчи учта асосий масалага эътибор қаратиши лозим:

1. Тарбиявий масалалар.

Бу масалалар таълим олувчиларнинг дунёқарабини шакллантириш, уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини тарбиялашга қаратилган. Ўқув жараёнида ҳаётий мисоллар, миллий анъаналар ва маънавий меросдан фойдаланиш бу масалаларни самарали ҳал этишга ёрдам беради[3].

2. Таълимий (илмий) масалалар. Улар таълим олувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришни ўз ичига олади. Бунда назарий

билимларни амалиёт билан боғлаш, фанлараро алоқадорликни таъминлаш муҳим ҳисобланади.

3. Ривожлантирувчи (билиш) масалалар. Бу масалалар таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, асосий ва иккинчи даражали маълумотларни ажрата олиш қобилиятини шакллантиради. Шунингдек, ўқишдаги қийинчиликларни енгиш, муаммоли вазиятларда ечим топиш кўникмаларини ривожлантиради[4].

Замонавий таълимда ахборот ва мультимедиа технологияларининг ўрни

Ҳозирги кунда таълим самарадорлигини оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Электрон дарсликлар, мультимедиа воситалари, интерактив платформалар орқали ўқув материални етказиш таълим олувчиларнинг қизиқишини оширади ва билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**да ҳам таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш муҳим вазифа сифатида белгиланган[5]. Бугунги кунда ҳар бир педагог ўз фани бўйича мультимедиа-электрон версияларини тайёрлаб, улардан самарали фойдалана олиши лозим.

Мультимедиа-электрон дастурлар қуйидаги **дидактик талабларга** жавоб бериши керак:

- илмийлик ва тизимлилик;
- ўзлаштиришнинг осонлиги;
- таълим олувчининг фаол иштироки;
- билимларни босқичма-босқич ўзлаштириш;
- интерфаол методлардан фойдаланиш.

Шу билан бирга, улар **педагогик-психологик талабларга** ҳам мос бўлиши шарт, яъни психологик, эстетик, гигиеник ва тиббий-психологик жиҳатдан хавфсиз бўлиши лозим[6].

Педагогик технологияларнинг моҳияти ва аҳамияти

Педагогик технология — бу белгиланган мақсадга эришишга қаратилган, ўқитиш ва тарбия жараёнини илмий асосда режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш тизимидир. У муайян фалсафий, методологик ва услубий асосларга таянади.

Педагогик технологиялар қуйидаги хусусиятларга эга:

- аниқ мақсадга йўналтирилганлик;
- педагогик ҳаракатлар алгоритмининг мавжудлиги;
- натижаларни ташҳислаш ва баҳолаш имконияти;
- индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тамойилларига таяниш.

Замонавий педагогик технологиялар ёшларнинг фикрлашини ривожлантириш, уларни фаол ҳаётий позицияга эга бўлишга ундайди. Интерфаол методлар, инновацион ёндашувлар таълим олувчиларнинг ўз фикрини эркин билдириши, уни асослаб бериш қobiliятини шакллантиради[7].

Таълим самарадорлигини оширишда, ёшлар маънавиятини шакллантиришда, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлашда, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф – одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи, электрон дарсликлар орқали узатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди[8].

Таълим тизими - ривожланишининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш босқичидадир. Ислохотларнинг муваффақиятлари тизимнинг асосий бўғини бўлган таълим муассасасининг қандай ўзгариши яқин келажакда ва истикбол режаларда нималарни белгилашида ўз аксини топади. Бугунги кунда назарий дарсларини ҳамда амалий машғулотларни мультимедиа-электрон версиялари асосида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда кунда ҳар бир педагог ўзи дарс бераётган фан учун мультимедиа-электрон версияларини тайёрлаб, ундан кенг тарзда фойдалана олиши лозим. Мультимедиа-электрон дастури қуйидаги дидактик ва педагогикпсихологик талабларга жавоб бериши шарт: Дидактик талаблар – илмийлик, ўзлаштиришнинг енгиллиги, муаммони қўйиш ва ҳар томонлама асосли тарзда билим олиш, ўқиш жараёнида талабанинг фаол ва онгли иштироки, билим олишнинг тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилиши, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги, таълим тизимида билимни ўзлаштирувчи, ривожлантирувчи ўқитувчи ва талабалар вазифаларининг яхлитлиги, талаба учун ўқиш ихтиёрий бўлишининг таъминланиши, ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш, ўқитишнинг уйғунлигини таъминлаш, ўқув материални тақдим этишда тизимли ёндашиш кабилардан иборат[9].

Педагогик-психологик талаблар - мультимедианинг психологик, эстетик, гигиеник ва тиббий-психологик жиҳатдан мавжуд эҳтиёжларини қондириши шарт. Ўқув жараёнида илғор ахборот технологияларини қўллаш, педагогик методларнинг кенгайиши, педагогик касбий фаолият мазмунининг бойитилиши, иш услубларининг такомиллашиши, педагогик тизимлар таркибининг ўзгаришига олиб келади. Таълим тизимини ривожланиши, баркамол шахсга таълим - тарбияни тўғри бериб бориш жонкуяр педагоглар қўлидадир. Шундай экан, уларнинг касбий тайёргарликлари, бажарадиган вазифаларини тўғри ташкил этиш масаласи аҳамиятга моликдир. Ҳозирги даврда педагогларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг маҳоратларини янада юксалтириш, шарт-шароитлар яратишга катта аҳамият берилмоқда. Бу эса ўқитувчиларга юксак

даражада масъулият юклайди, энг аввало педагог учун дарснинг сифат ва самарадорлигига эришиш муҳим масалага айланмоғи зарур. Уларнинг таълим тизимида олиб бораётган вазифалари касбий тайёргарликлари билан бевосита боғлиқдир.

Педагогик технология асосида ўтказиладиган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари – интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланилишига оид билимлар, тажриба ўқувчиталабаларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Шу билан бирга таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик технологияларни қўллашда ўтмиш алломаларимизнинг ғоя ва қарашларидан фойдаланиш ўқувчи-талабаларни ўқитиш ва тарбиялашни янада самарали бўлишига олиб келади.

Миллий ва маънавий мероснинг таълимдаги ўрни

Янги педагогик технологияларни қўллаш жараёнида ўтмиш алломаларимиз — Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид ғояларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Уларнинг инсон камолоти, ахлоқ, билим ва тарбия ҳақидаги қарашлари бугунги замонавий таълим билан уйғунлашиб кетади.

Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни таълим жараёнига татбиқ этиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини мустаҳкамлайди. Бу эса баркамол шахсни шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади[10].

Хулоса

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Ўқув машғулоти педагогик жараённинг асосий бўғини бўлиб, уни тўғри ташкил этиш таълим самарадорлигини белгилайди.

Замонавий ўқув машғулоти таълим, тарбия ва ривожлантириш мақсадларини уйғун ҳолда амалга оширишни талаб қилади.

Педагогик технологиялар аниқ мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган ва натижаси кафолатланган таълимни таъминлайди.

Ахборот ва мультимедиа технологияларидан самарали фойдаланиш таълим сифати ва самарадорлигини оширади.[11]

Миллий ва маънавий меросга таянган ҳолда замонавий педагогик технологияларни қўллаш баркамол шахсни тарбиялашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим тизимининг ривож, ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш аввало педагогларнинг касбий маҳорати, масъулияти ва ижодий ёндашувига боғлиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Слостёнин В.А. Педагогика. – Москва, 2018.
2. Зимняя И.А. Педагогик психология. – Москва, 2019.
3. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, 2008.
4. Давлетшин М. Педагогик маҳорат асослари. – Тошкент, 2017.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. – Тошкент.
6. Роберт И.В. Ахборот технологиялари таълимда. – Москва, 2020.
7. Полат Е.С. Замонавий педагогик технологиялар. – Москва, 2019.
8. С.Исамиддинов – 2024 Фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикаси бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили. Theoretical aspects in the formation of pedagogical// <https://scholar.google.com/scholar?cluster=4616638619416573628&hl=en&oi=scholar>
9. С Исомиддинов – 2024 Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари Жамият ва инновациялар-Общество и инновации [cholar.google.com/scholar?cluster=14164857212767537725&hl=en&oi=scholar](https://scholar.google.com/scholar?cluster=14164857212767537725&hl=en&oi=scholar)
10. Форобий А.Н. Фозил одамлар шахри. – Тошкент, 1993.
11. **A.A.Nasritdinov-2025** Odam savdosini oldini olish choralari <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3114>,